Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● 1996 йил 11 май, шанба ● № 37 (10.812) ● Эркин нархда сотилади

## ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТУРКИЯ АБАДИЙ ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК УЧУН АҲДЛАШДИ

*Туркия Президенти Сулаймон Демирэлнинг мамлакатимизга расмий ташрифи иккинчи куни музокаралар, учрашувлар ҳамда воқеаларга ғоят бой ва самарали бўлди.*



**СУРАТДА: икки томонлама ҳужжатларни имзолаш пайти.**
**Р. Нуриддинов (ЎзА) тасвирга олган.**

8 май куни Дўрмондаги қароргоҳда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркия Президенти Сулаймон Демирэл раҳбарлигидаги икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Президент Ислом Каримов музокаралар чоғида икки мамлакат халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ва ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади. Ўзбекистоннинг мустақил мамлакат сифатида жаҳонга юз очишида ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодийислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлашда Туркия билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун яратилган ҳуқуқий шарт-шароитлар турк ишбилармонлари учун ҳам айни муддао бўлди. «Коч холдинг», «Язекс», «Ай сел» ва бошқа икки юзга яқин Туркия компания ва фирмалари енгил саноат, озиқ-овқат, машинасозлик, қурилиш соҳаларида ўзбекистонлик шериклар билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиб, икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик ва қардошликнинг мустаҳкамланишига ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар.

Ўзбекистон Президенти мамлакатларимизнинг нафақат савдо-иқтисодий, балки илм-фан, маориф ва маданият соҳасидаги алоқалари ривожи ҳам қувонарли эканини қайд этди. Туркия Президентининг мамлакатимизга ташрифи барча соҳалардаги ҳамкорлик муносабатларини янги босқичга кўтаришини айтди.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон раҳбари мамлакатимизда кечаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни, шунингдек айрим минтақавий ва халқаро масалаларга тўхталди. Хусусан, БМТ минбаридан туриб Афғонистонга қурол-яроғни сотишни тақиқлаш тўғрисида билдирган таклифи кўпгина мамлакатлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ҳам маъқулланаётганини қайд этар экан, бу масалада Туркия Ўзбекистонни қўллаб-қувватлашига умид билдирди.

Туркия Президенти Сулаймон Демирэл аввало, ота юрт аталмиш Ўзбекистонга ташрифидан мамнунлигини ва бу муқаддас заминда ўзига ҳамда Туркия делегациясига кўрсатилаётган ҳурмат ва меҳмондўстликдан миннатдорлигини билдирди. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ўзга мамлакатларга намуна бўларли даражада муваффақият билан ривожланаётганини таъкидлади.

Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчи бўлиб тан олди. Унинг истиқлолидан ўзбек халқи билан бирга қувонди. Бугунги кунда Ўзбекистонда олтмишдан зиёд мамлакатдан 900 дан ортиқ фирма ва компаниялар Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётир. Туркия Президенти ана шу фирма ва компанияларнинг 200 га яқини Туркия компаниялари эканлигидан мамнунлигини қайд этди.

— Ўзбекистон халқи Президент Ислом Каримов раҳбарлигида мустақилликнинг тўрт ярим йилида 20 йилда эришиш мумкин бўлган улкан муваффақиятларни қўлга киритди, — деди, жумладан Сулаймон Демирэл. — Ўз миллий давлатчилигининг барқарор асосларини яратди. Энди мустақилликни мустаҳкамлаш ва тараққиёт сари дадил одимламоқда. Биз Ўзбекистоннинг яқин йиллар ичида юксак ривожланган мамлакатга айланишига аминмиз.

Президент Ислом Каримов ва Президент Сулаймон Демирэл Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасида абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов ва Туркия экология вазири М. Тошар атроф муҳитни муҳофаза этишда ҳамкорлик тўғрисидаги, Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш. Гатаулин ва Туркия Давлат вазири А. Гўкдемир икки ёқлама солиқ олмаслик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимларга имзо чекдилар.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркия Президенти Сулаймон Демирэл журналистлар билан учрашдилар.

Юртбошимиз журналистларга икки мамлакат расмий делегациялари музокаралари натижалари ва имзоланган ҳужжатлар ҳақида маълум қилар экан, Ўзбекистон ва Туркия халқларини азалий қон-қардошлик ва дўстлик ришталари боғлаб турганини яна бир карра таъкидлади. Айни пайтда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, соғлиқни сақлаш, транспорт, спорт, туризм, террорчиликка қарши кураш ва наркотик моддаларни назорат қилиш соҳаларида ҳамкорлик қилиш борасидаги 30 дан ортиқ ҳужжат имзоланганини қайд этди.

Туркия Ўзбекистондан кўп миқдорда маҳсулот сотиб олаётган ўн мамлакатдан биридир. Ўзбекистон ҳам Туркиядан озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон, автомобиль ва бошқа саноат маҳсулотлари харид қилмоқда. Шуниси қувончлики, 1995 йилда ўзаро маҳсулот айирбошлаш ҳажми 1994 йилдагига нисбатан 75 фоиз ошиб, жами 280 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Мамлакатимизда Туркиянинг ўнлаб йирик компаниялари ўз ваколатхоналарига эгадир. Айни замонда Туркия ишбилармонлари Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармоялар миқдори 300 миллион долларга етгани қувончлидир.

Ўзбекистон раҳбари таълим ва маданият соҳасидаги ҳамкорлик ривожига тўхталар экан, Туркияда ўзбекистонлик, Ўзбекистонда эса туркиялик талабалар таълим олаётганини, мамлакатимизда кўплаб ўзбек-турк лицейлари фаолият олиб бораётганини, санъаткорлар, олимлар ва ёзувчиларнинг ўзаро ташрифлари анъанавий бўлиб қолганини таъкидлади.

Ислом Каримов Туркия Президентининг мамлакатимизга бу галги ташрифи чоғида имзоланган ҳужжатлар ҳақида гапирар экан, абадий дўстлик ва ҳамкорлик ҳақидаги шартнома ғоят муҳимлигини, у амалда Ўзбекистон ва Туркия халқларининг мангу дўстлиги ва ҳамкорлигини таъминлашга хизмат қилишини айтди. Туркия Президенти Сулаймон Демирэл ўз мамлакати дунёдаги кўплаб давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик ҳақида ҳужжатлар имзолаганини, аммо уларнинг ҳеч бирида Туркия ва Ўзбекистон ўртасида имзоланган ҳужжатдаги каби абадий дўстлик ва ҳамкорлик нияти қайд этилмаганини эътироф этди. Ўхшаши йўқ бу муҳим ҳужжат икки қардош халқнинг манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

Президент Сулаймон Демирэл Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан дастлабки икки кун бўлиб ўтган учрашув ва музокараларда икки мамлакат ўртасидаги коммуникация, транспорт алоқа тармоқлари муаммоси асосий мавзулардан бири бўлганини айтди. Туркия Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан Ўзбекистоннинг Грузиядаги Поти бандаргоҳи орқали Туркиянинг Қора денгиз бандаргоҳларига, улар орқали эса Европага чиқишига тарафдор эканини қайд этди.

Журналистлар Туркия Президентининг Россия, Белоруссия, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида имзоланган иттифоққа муносабати билан қизиқдилар. Президент Сулаймон Демирэл бу саволга жавобан кейинги пайтда собиқ империяни тиклаш йўлидаги айрим уринишлар нафақат Туркияни, балки барча Европа мамлакатларини ҳам ташвишга солаётганини таъкидлади. Умид қиламанки, деди жумладан, Туркия давлат раҳбари, Россия, Белоруссия, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида тузилган иттифоқ собиқ империяни қайтадан тиклаш йўлидаги ҳаракат эмас.

Туркиялик журналистлар абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳарбий ҳамкорликни ҳам ўз ичига оладими, деган савол билан Президентларга мурожаат этдилар. Президент Ислом Каримов ва Туркия давлат раҳбари ушбу саволга шартнома икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришни кўзда тутишини ва ҳеч бир учинчи давлатга қарши қаратилмаганини, шунингдек, ҳужжатда ҳарбий соҳада ҳамкорлик қилиш қайд этилмаганини алоҳида таъкидладилар. Туркия Президенти Сулаймон Демирэл шу ўринда Туркия Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таклиф этган, БМТ ҳамда кўплаб мамлакатлар томонидан маъқулланаётган Афғонистонга қурол-яроғ сотишни тақиқлаш тўғрисидаги ташаббусни қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркия Президенти Сулаймон Демирэл журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам атрофлича жавоб қайтардилар.

**Амирқул КАРИМ.**
**(ЎзА).**

---

Туркия Президенти Сулаймон Демирэл мамлакатимизга ташрифининг учинчи куни Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган туркиялик тадбиркорлар билан учрашди.

— Ота юртимиз — Ўзбекистонда сизларнинг катта ишларни амалга ошираётганингиз ва қардош халқларимиз ўртасидаги биродарлик ришталарини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётганингиз бизни мамнун этади, — деди Сулаймон Демирэл учрашувда. — Ўзбекистон бундан кейин ҳам Туркиянинг энг асосий ҳамкорларидан бири бўлиб қолади. Сизларнинг фаолиятингиз ҳар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада равнақ топтиришда муҳим омил бўлаётир.

Учрашувда Ўзбекистоннинг улкан иқтисодий имкониятлари, барқарорлиги ва муҳим жўғрофий маконда жойлашгани, қолаверса, жадал амалга оширилаётган ислоҳотлар туркиялик ишбилармонлар ҳамкорлиги учун яна ҳам кенг уфқлар очаётганлиги қайд этилди.

Турк ишбилармонлари ҳар икки мамлакат ўртасидаги алоқалар, жумладан, транспорт, коммуникация ва молия соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан талай таклифлар айтдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси С. Сафоев, Ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Шу куни Дўрмондаги қароргоҳда Туркия давлати раҳбари Сулаймон Демирэлни расмий кузатиш маросими бўлди.

Туркия Президенти Сулаймон Демирэл ва Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шоҳсупага кўтарилдилар. Ҳар икки Давлат мадҳиялари янграли. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундай қилиб, ташрифнинг расмий қисми якунланди. Мазкур ташриф Ўзбекистон-Туркия муносабатларида муҳим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Музокаралар ва учрашувлар ҳар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий ҳамда бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янги, юқори поғонага кўтариш борасида ғоят сермаҳсул ва фойдали бўлди. Имзоланган ҳужжатлар эса қон-қардош халқларимиз дўстлиги, давлатларимизнинг ўзаро муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Тушдан сўнг Президентлар Сулаймон Демирэл ва Ислом Каримов рафиқалари ҳамроҳлигида Самарқандга ташриф буюрдилар. Кўҳна ва бой тарихга эга Самарқанд зиёрати Мирзо Улуғбек расадхонаси ва унинг мемориал музейи билан танишишдан бошланди. Сулаймон Демирэл Шарқнинг буюк алломаси хотирасига ҳурмат бажо келтириб, унинг ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Айни пайтда эса Туркия ҳукумати делегацияси аъзолари шаҳардаги Сиёб деҳқон бозорида саховатли заминимиз неъматларини кўздан кечиришди. Бибихоним мадрасасида бўлишди.

Олиймақом меҳмонлар Челак туманидаги Исмоил ал Бухорий масжидини зиёрат этишди. Туркиялик қардошларимиз масжиддаги таъмирлаш ишлари ҳамда унинг ёнида улуғ муҳаддис меросини тарғиб этувчи улкан маърифий муассаса қурилиши бошланганини кўриб беҳад қувондилар. Туркия давлати раҳбари масжидни таъмирлашдек хайрли ишга ҳисса қўшиш учун ҳадя берди. Соҳибқирон Амир Темур мақбараси зиёрати ва буюк бобокалонимиз юбилейи муносабати билан бу ерда қилинаётган таъмирлаш ишлари меҳмонларда алоҳида таассурот қолдирди. Регистон майдонида эса Президент Сулаймон Демирэл ва Президент Ислом Каримовга уруш фахрийлари ҳамда Ғалаба кунини нишонлаётган шаҳар жамоатчилиги вакиллари пешвоз чиқдилар. Президентлар уларни Ғалаба байрами билан табриклашди. Шу куни Туркия давлати раҳбари Президентимиз ҳамроҳлигида Самарқанддан Тошкентга қайтиб келди. Оқшом Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл ўз ватанига жўнаб кетди. Президент Сулаймон Демирэл ва унинг рафиқасини Президент Ислом Каримов рафиқаси билан кузатиб қолди.

**(ЎзА).**

## ҚУТЛУҒ БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ



*Суратда: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов уруш қатнашчиларини байрам билан қутламоқда.*

**Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.**

Иккинчи жаҳон уруши Ўзбекистон ҳудудидан анча узоқда кечган бўлса-да, юртимизда унинг жабрини чекмаган хонадон деярли йўқ. Зеро, қарийб бир ярим миллион ҳамюртимиз уруш машаққатларини бошидан кечирди. Тўрт юз мингга яқин киши ўлкамизга қайтиб келмади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ғалаба куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони уруш фахрийлари ва ногиронларига кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Байрамга ўзгача руҳ, ўзгача шукуҳ бағишлади. Зотан, иккинчи жаҳон урушининг жанг майдонларида кўплаб ўзбекистонликлар мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди, халқимиз — болалардан тортиб аёлларгача фронт ортида фидокорона меҳнат қилди — бу билан улар ғалабага эришишга муносиб ҳисса қўшдилар. 170 мингдан зиёд ватандошимиз орден ва медаллар билан мукофотланди. Шулардан 338 кишига Қаҳрамон унвони берилган, 53 киши эса «Шуҳрат» орденининг тўла нишондоридир.

... Кўксиларини қўша-қўша орден ва медаллар безаган, чеҳраларидан нур ёғилиб турган фахрийлар, Қуролли Кучлар ҳамда меҳнат жамоаларининг вакиллари Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун курашда қурбон бўлган ҳамюртларимиз ҳурматини бажо келтириш, номларини ёд айламоқ, уларнинг руҳи покларига таъзим қилмоқ мақсадида 9 май куни пойтахтнинг Мустақиллик майдонига келдилар. Майдон байрамона безатилган, баҳорнинг ёқимли шабадаси байроқларни ҳилпиратиб турибди.

Ўзбекистон Президенти, республика Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони Ислом Каримов уруш фахрийлари, Қуролли Кучлар ва меҳнат жамоалари вакилларини, улар сиймосида бутун Ўзбекистон халқини қутлуғ байрам — Ғалаба куни билан қизғин табриклади.

— Бугун Ўзбекистон халқи учун, айниқса, уруш фахрийлари учун тарихий кундир, — деди Президент. — Чунки, бундан 51 йил муқаддам мана шу инсонлар, уларнинг урушда кўрсатган мардлиги ва қаҳрамонлиги туфайли ғалаба қозонилди. Бугун Ватан учун, мустақил ҳаётимиз ҳамда келажак авлодларимиз, уларнинг бахт-саодати учун курашда жонини фидо қилган ҳамюртларимизнинг хотирасини доимо эслашимиз, эъзозлашимиз даркор. Зеро, биз уруш даврида ва урушдан кейинги йилларда бошимиздан жуда машаққатли, оғир кунларни кечирдик. Лекин тушкунликка тушмадик. Чунки, мана шу фахрийларимиз, уларнинг амалга оширган ишлари, берган насиҳатлари ҳамиша бизларга куч бағишлаб, руҳимизни кўтариб турди.

Ислом Каримов фахрийларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, бардамлик тилади.

Мустақиллик майдонида сукунат ҳукмрон. Соат 10. Фахрий қоровул саф тортган. Ҳарбий оркестрнинг тантанавор садолари янграйди. Бош майдондаги Номаълум жангчи қабрига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номидан, республика Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, Мудофаа вазирлиги, Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши, Тошкент вилояти ва шаҳри ҳокимликлари, шаҳар жамоатчилиги номидан гулчамбарлар қўйилди.

Номаълум жангчи хотираси бир дақиқа сукут сақлаб ёдга олинади. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди. Республика Миллий гвардиясининг жангчилари Номаълум аскар хотирасига ҳурмат бажо келтириб, минбар ёнидан шаҳдам қадамлар билан ўтдилар.

Сўнг Президент Ислом Каримов урушда оғир жароҳат олиб, Тошкент госпиталларида ҳаётдан кўз юмган жангчилар дафн этилган «Биродарлик қабристони» томон йўл олади. Бу ер ҳам одамлар билан гавжум бўлди. «Мотамсаро она» меъмориал ёдгорлиги пойига гулчамбарлар қўйилди.

Маросимларда республика Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Ўткир Султонов, Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Байрам куни Тошкентнинг Мустақиллик майдонида, маданият ва истироҳат боғларида, марказий ҳиёбонларида, дам олиш масканларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоят ва туман марказларида халқ сайиллари кечгача давом этди. Уруш қатнашчилари билан учрашув ва суҳбатлар ўтказилди. Уларнинг ҳолидан хабар олинди. Санъаткорлар иштирокида ранг-баранг концерт дастурлари, турли томошалар кўрсатилди, қизиқарли спорт мусобақалари ташкил этилди.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА махсус мухбири**

## УЛАРНИНГ ЖАСОРАТИ УНУТИЛМАЙДИ

***ЎТГАН КУНИ** вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида Ғалаба байрами катта тантана билан нишонланди. Дарҳақиқат, бу кун биз учун унутилмасдир. Чунки минглаб ўзбекистонлик, шу жумладан, Тошкент вилояти вакиллари ҳам фашизмга қарши урушда фаол иштирок этдилар. Катта мардлик ва жасорат кўрсатдилар. Уларнинг жуда кўпчилиги, ҳа, жуда кўпчилиги урушдан қайтмади. Лекин хотиралари абадий қалбларимизда.*

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, республикамиз мустақил бўлгач, уруш ва меҳнат фахрийлари тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш юзасидан қабул қилинаётган фармонлар, қарорлар бунинг яққол намунасидир. Шаҳар ва туман ҳокимликларида, корхона, ташкилот, хўжалик ва маҳаллаларда уруш фахрийлари учун ёзилган байрам дастурхони атрофида ана шулар тўғрисида гап борди.



Таҳририятимизга хабар қилишларича, вилоятимизнинг қатор шаҳарларида, туманларида, қишлоқларида урушда қурбон бўлганлар хотирасига ёдгорликлар очилди. Бу юртимизда ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмаслигининг ифодасидир.

Биргина Янгийўл шаҳридан урушга 3 минг нафардан зиёд киши кетган эди. Уларнинг ярмидан кўпроғи ўз юртига қайтмади. 462 нафар уруш қатнашчисигагина Ватанимиз мустақиллигини кўриш насиб этди. Бу айтишга осон. Ана шунинг учун ҳам уларни эъзозлаш, юрт учун қилган хизматларини муносиб тақдирлаш бизнинг бурчимиздир.

Янгийўл шаҳрида бу масалага алоҳида ёндошилмоқда. «Одил-нон», ёғ-мой ҳиссадорлик жамиятлари, 2503-автокорхонаси жамоаси шаҳар фахрийлар кенгашига мунтазам ёрдам бериб келмоқда. Уруш иштирокчиларига ва уларнинг оилаларига озиқ-овқат маҳсулотлари, чорвалари учун ем-хашак етказиб бермоқда. Биз бундай ишларни вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида кенг ёйилишини истар эдик.

...Уруш тугаганига эллик бир йил бўлди. Бу тарих олдида жуда қисқа муддат. Аммо тарих ҳақиқатини унутишга ҳаққимиз йўқ. Айни вақтда юртимиздаги тинчлик, хотиржамлик, осойишталикнинг ҳам қадрига етмоғимиз керак. Оталаримизнинг жасорати бизни ана шунга даъват этади. Беихтиёр уларга қарата доимо сафимизнинг, даврамизнинг тўрида юринг, деймиз!

**Доврон АҲМАД.**

***Ушбу суратни Александр Мальцев Ўртачирчиқ туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг марказий қўрғонида ўрнатилган ёдгорлик олдида Ғалаба байрами куни олди. Собиқ фронтчилар ҳалок бўлган ҳамқишлоқлари хотирасини миннатдорчилик билан эсладилар.***

# НАВБАТДАГИ БОСҚИЧ ВАЗИФАЛАРИ

**(Республика Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобини ўқиб)**

Маълумки, аввалги мақоламизда (20 февраль, 1996 йил) иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида туманимизда амалга оширилган ишларни Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобининг таҳлили асосида ҳикоя қилган эдик.




Бугун иккинчи босқичда амалга оширилиши керак бўлган вазифалар китобда қандай баён этилгани ҳамда бу борада туманимизда белгиланган тадбирлар тўғрисидаги мулоҳазаларимизни баён қилишни лозим топдик.

Давлат мулкини хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишни охирига етказиш, ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериб, иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш, миллий валюта — сўмни янада мустаҳкамлаш ҳамда хомашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш ва унинг сифатини жаҳон талаблари даражасига етказиш каби вазифалар ислоҳот иккинчи босқичининг асосий муҳим тамойиллари эканлиги китобда алоҳида қайд қилинган. Айни пайтда ўтган даврнинг иккинчи босқичида ҳам аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялашни давом эттиришга ҳам жиддий эътибор берилади.

Энди амалий ишларга келадиган бўлсак, улар туманимизда чакки бормаяпти. Биринчи босқичда 200 га яқин объект хусусийлаштирилган эди, бу иш давом этмоқда. Улар орасида қурилиши тугалланмаган жойлар ҳам борки, бу даргоҳлар ўз эгасини топса, ишларимизнинг янада олға силжиши шубҳасиздир.

Китобда тўғри таъкидланганидек, ўзини мулкдор, ишлаб чиқарган маҳсулотининг хўжайини деб билган инсоннинг кучғайрати муайян зоҳирга чиқади. Унинг ақлий ва ижодий имкониятлари, ташкилотчилик қобилиятлари, ташаббускорлиги ва омилкорлиги ошади.

Мулкдорлар ўртасида рақобат муҳитини вужудга келтириш иқтисодиётни ривожлантиришга, талаб катта бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга хизмат қилади. Масалан, савдо хизмати соҳасидаги хусусийлаштиришни олиб кўрайлик. Дўкон ёки универмаг тайёр маҳсулотларни олиб келиб сотиш билан бирга ўзида ихчам технология ускуналари асосида жиҳозланган кичик корхоналарни ривожлантиришга қўл урса, биринчидан, ички бозорни тўлдиради, иккинчидан янги иш ўринларини очади. Бир неча йил аввал хизмат юзасидан Хитойда бўлганимизда кичик-кичик дўкондагилар ҳам бир четга тикув машиналарини қўйиб, энг сифатли кийим-кечак тикаётганликларининг гувоҳи бўлган эдик. Иқтисодий муаммоларни ҳал этишда бундай иш услублари қулай ва самарали эканлигини ўшанда иқтисодиётчилар мамнун бўлиб гапиришган эди. Бизда ҳам бундай тажрибалар қўлланилса фойдадан холи бўлмасди.

Китобда, шунингдек, савдо ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари фойдаланиши учун ер участкалари сотишни кенгайтириш лозимлигига ҳам эътибор қаратилган. Шундай имкониятлар яратилса, биз юқорида таъкидлаган кичик корхоналар, цехлар очиш янада қулайлашади.

Иккинчи босқичдаги муҳим вазифалардан яна бири миллий валютамиз — сўмнинг қадрини оширишдир. Бу босқичнинг ҳал қилувчи муаммоси ҳам баайни ана шудир. 1994 йил 1 июлдан муомалага киритилган сўм халқимиз юрагида, шубҳасиз, миллий ифтихор туйғусини янада юқори кўтарди.

Сўм қадрининг ошиши, албатта, товар билан боғлиқ. Унинг харид кучи бозордаги истеъмол молларининг тўлиши билан ўлчанади. Айниқса, одамлар эҳтиёжини қондирувчи маҳсулотларнинг кўпайиши сўмнинг қувватини ошираверади. Иқтисодиётни ривожлантириш, маҳсулотларнинг кўпроқ ишлаб чиқарилиши каби амалга оширилиши муҳим бўлган вазифалардан ташқари, сўм қадрини оширишнинг маънавий томони ҳам бор. Бу ҳақда китобда шундай дейилган: «Фақат чет элдан келтирилган молларга ружу қўйиш ҳақиқий ватанпарварга хос бўлмаган хусусиятдир».

Бунга тўла қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, республикамизда истеъмол моллари ишлаб чиқариш йил сайин ошиб бормоқда ва уларнинг сифати кўтарилмоқда. Афсуски, одамлар ўртасида чет эл кийимларидан тортиб озиқ-овқатигача бўлган қизиқиш сезиларли даражада ортган. Уч кун киймасдан тўзиб кетадиган кийимлар, мазаси оғизда қолмайдиган баъзи озиқ-овқатлар одамларимизнинг чўнтагини урмоқда ва маълум маънода сўмнинг қадрига салбий таъсир қилмоқда. Бу борада, бизнингча, икки муҳим томонга эътибор беришимиз керак. Биринчиси, ўзимиз ишлаб чиққан маҳсулотлар рекламасини кучайтириш лозим. Чет элда реклама савдо-сотиқда биринчи ўринда туради. Ахир, бу ўрганса арзийдиган иш эмасми?

Иккинчиси, мактабларимизда кейинги пайтларда байроғимиз, гимнимиз ҳақида тадбирлар, суҳбатлар ўтказилиши болаларимиздаги ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлаб бормоқда. Лекин, миллий ифтихоримиздан бири сўм ҳақида, унинг қадр-қиймати ҳақида ўқувчиларимизга етарли тушунчалар бермаётганлигимиздан кўз юмиб бўлмайди. Миллий валюта - сўм қадрини оширишни таъминлайдиган маънавий қадриятлар кўп. Гап уларни пухта ўйланган тартиб-қоидалар асосида олиб боришда қолган.

Энди, биринчи мақоламизда фикр юритилган мавзу — ижтимоий масалаларнинг иккинчи босқичида давом эттирилиши ҳақида икки оғиз сўз.

Ҳозирги пайтда аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига давлат томонидан ёрдам кўрсатиш йўллари ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Бу ишлар маҳаллалар орқали амалга оширилиши маълум маънода халқ ишончини мустаҳкамламоқда. Болали оналарга, уруш қатнашчиларига, ёлғизларга ва кам таъминланган оилаларга берилаётган имтиёзлар ҳамда эътибор эртанги кунга бўлган нафақат ишонч, балки, дадил қадамдир. Чунки, ўзидан, оиласидан, юртидан кўнгли тўқ одамнинг нияти улуғ, парвози баланд бўлади. Меҳнатга шижоатини, ғайратини тўла сарфлайди.

Китобни ўқиб яна бир бор ҳаётдаги ўзгаришларни хаёлимдан ўтказдим, йўлимизнинг нақадар тўғри эканлигига амин бўлдим. Шундан сўнг туғилган баъзи мулоҳазаларни қоғозга туширдим.

Маълумки, республикамиз Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари жамланган 1- ва 2- китоблар «Адолат» нашриёти томонидан 1000-1500 нусхада босилган бўлиб, у ҳам кўпроқ давлат идораларидагина мавжуд. Мен буни етарли эмас, деб ўйлайман. Чунки, имтиёзлар ҳақидаги фармон ва қарорлар оммабоп китоблар ҳолида босилиши керак. Ахир одамларимиз ўзларига берилган имтиёзларни тўлиқ ва батафсил тушуниб, ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўғри топиб олсалар, бунинг нимаси ёмон. Ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги қадамимиз онгли бўлса, фақат бундан ютамиз. Шу ҳақда гап кетар экан, Олий Мажлис қабул қилаётган қонунлар ҳақида ҳам баъзи бир фикрлар бор. Ҳар томонлама пухта қонунлар ҳаётга тадбиқ этилмоқда, лекин, ҳаммамиз ҳам мазкур қонунларни пухта билмаймиз. Шунинг учун барча нашриётлар йиллик режаларига, ҳеч бўлмаганда бир йилда биттадан қонун китоблари нашр этишни киритишса яхши иш бўларди. Бундай китоблар ҳам арзон, ҳам ихчам бўлиши керак.

**Ҳамид НОРҚУЛОВ,**
**Ўртачирчиқ тумани ҳокимининг муовини.**

*Вилоят ҳокимлигида*

# ФАХРИЙЛАРИМИЗ ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

**8-май куни Тошкент вилояти ҳокимлигида иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини 9 май — Ғалаба байрами муносабати билан табриклашга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.**

Уни Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи муовини Тўлқин Мирёқубов бошқарди.

— Вилоятимиз ҳудудидан 100 минг нафардан ошиқ киши урушга кетган. Ундан 33 минг нафари қайтиб келмади.

Юртдошларимиз барча фронтларда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатганлар, — деди вилоят ҳокимининг биринчи муовини табрик сўзида — Йигирма нафар вилоятдошимиз жанггоҳларда кўрсатган жасорати учун қаҳрамон унвонига сазовор бўлдилар.

Мана, қибрайлик қаҳрамон Ғулом ака Каримов орамизда ўтирибдилар. Мен у кишини, бугунги тантанада иштирок эта олмаётган минглаб фахрийларимизни ғалаба байрами билан табриклар эканман, эътиборингизни яна бир муҳим жиҳатга қаратишни истардим.

Ҳозирги кунда ҳам, мана, мутақиллигимизнинг бешинчи йили кетяптики, ўн минг нафар уруш қатнашчиси халқ хўжалигининг турли соҳаларида хормай-толмай меҳнат қилишяпти. Ўзларининг нимага қодир эканликларини кўрсатишяпти. Меҳнатда орттирган тажрибаларини ёшларга ўргатишмоқда. Ҳаёт сабоқларидан фарзандларига сўзлаб бериб, тўғри йўл кўрсатишяпти.



Ушбу йиғинда уруш ва меҳнат фахрийларимиз ёш авлодга тўғри таълим-тарбия бериб келаётганлиги натижасида мамлакатимизда барқарор тинчлик хукм суриб келаётганлигини, шу туфайли бозор муносабатларига ўтиш, ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёни муваффақиятли ва самарали давом этаётганлигини эътироф этиш керак.

Республикамиз Президенти уруш ва меҳнат фахрийларининг жасорати ва фидойиликларини юксак қадрлаган ҳолда ўтган тўрт йил мобайнида бозор муносабатига ўтиш жараёни қийинчиликларидан кексаларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида қатор Фармонлар эълон қилди.

Байрам олдидан уруш иштирокчиларини энг кам ойлик иш ҳақининг икки ярим баробар миқдорида пул мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида фармон чиқарилди. Ҳукумат ғамхўрлигидан отахон ва онахонларимиз ғоят хурсанд бўлаётганликларини улар изҳор қилаётган миннатдорчиликлардан ҳам билиб турибмиз.

— Белоруссия фронтининг партизанлар отрядида ҳизмат қилганман, — деди ўртачирчиқлик Татьяна Қамбарова. — Жанггоҳларда ўзбек йигитига кўнгил қўйдим. Кейинги тақдиримни Ўзбекистон билан, ўзбек халқи билан боғладим. Шу ерда туп қўйиб, палак ёздим. Сафдошларим қатори барча уруш иштирокчиларига кўрсатилаётган имтиёзлардан фойдаланяпман. Минг ташаккур!..

Тантанали йиғилишда урушда халок бўлганлар хотираси ҳурматига бир дақиқа сукут сақланди.

Вилоят ҳокимининг муовини Дилбар Жаҳонгирова уруш иштирокчиларини ғалаба байрами билан муборакбод этиб, уларга соғ-омонлик, узоқ умр тилади, ҳокимликнинг байрам совғаларини топширди.

Бир пиёла чой устида, дастурхон атрофида қизғин мулоқотлар, самимий суҳбатлар давом этди.

**Ҳусан СУЛАЙМОНОВ.**





*Суратларда: қабул вақти; фахрийларни мукофотлаш пайти.*

Даврон АҲМАД олган суратлар.



# «ҲАВАС» — КАТТА ЙЎЛНИНГ ДЕБОЧАСИ!

**70 дан ортиқ турли лавозимдаги раҳбарлар иштирок этган бу турнир Ўзбекистон теннис спортининг келажаги порлоқ эканлигини кўрсатди.**

«Юнусобод» теннис кортида бир неча кун давом этган «Ҳавас» теннис турнири якунланди.

Юртимизда илк марта ташкил этилган ва бундан буён анъанавий равишда ўтказилиши мўлжалланган «Ҳавас» мусобақасида қарийб бир йилдан бери теннис билан шуғлланаётганлар гуруҳида 30 киши, бир йилдан беш йилгача шуғулланаётганлар гуруҳида 32 киши иштирок этди. Илгари хабар берганимиздек, саралаш учрашувлари «Динамо» теннис ўйингоҳида ўтказилиб, финал гуруҳи ойдинлашгач, теннис катта тантана билан «Юнусобод» теннис кортига кўчди.

Эрталаб соат 10.00 да карнай-сурнай садолари остида теннис мусобақаларининг ҳал қилувчи ярим финал «жанг»лари бошланди. Қуръага кўра биринчи жуфтликни республика Соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов ва «Тошкентшаҳарйўловчитранс» уюшмаси раиси Рўзи Ҳикматуллоев ва иккинчи жуфтликни республика Бош вазирининг ўринбосари Мираброр Усмонов ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рустам Шоабдураҳмоновлар ташкил этди.



Асосий майдончада Р. Шоабдураҳмонов билан М. Усмонов беллашишди. Тажрибали М. Усмонов билан ёш, иқтидорли Р. Шоабдураҳмонов учрашуви анчагина муросасиз баҳсга айланди. Умумий ҳисобда шаҳар ҳокимининг муовини 6:2 ҳисобида ғалаба қозониб, финалга йўлланма олди.

Бошқа майдончада иккинчи ярим финалчилар Ш. Каримов — Р. Ҳикматуллоевлар беллашишди. Учрашув 6:0 ҳисобида Р. Ҳикматуллоевнинг ғалабаси билан якунланди.

15-20 минутлик танаффусдан сўнг «Ҳавас» турнирининг бош соврини учун финал баҳслари бошланди. Бунда Р. Ҳикматуллоев ва Р. Шоабдураҳмонов росмана беллашдилар. Иккала теннисчининг ҳозиргина ярим финал мусобақаларида қизғин беллашгани уларнинг хатти-ҳаракатидан сезилмади ҳам. Кўпгина ёрқин ўйин, чиройли зарбаларга бой бўлган финал учрашувида Р. Ҳикматуллоевнинг қўли баланд келди. У ишқибозларнинг қарсаклари остида «Ҳавас» турнирининг ғолиби деб эълон қилинди.

Ғолиб финал мусобақасига пухта тайёргарлик кўрганлиги, кетма-кет учрашувлар ўтказганига қарамай, чарчоқ билмай аниқ ва шиддатли тўп оширишлари билан рақибини шошириб қўйди, бу сафар тажриба ёшликдан устун келди.

Бундан аввалги дастлабки саралаш учрашувларини Тошкент вилояти ҳокимлиги котибияти мудири Л. Аббосхоновни мағлубиятга учратишдан бошлаган Р. Ҳикматуллоев шундан сўнг «Ўзқишлоқхўжаликтаъминотинвестқурилиш» корпорацияси раиси Тўлқин Жабборов билан, сўнгра эса Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазири Баҳодир Умурзоқовлар билан учрашиб зафар қучганди.

Шундай қилиб, ғолиб аниқланди. Томошабинларнинг қизғин олқишлари остида «Ҳавас» турнири ғолибларини шарафлаш маросими бошланди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, республика теннис федерациясининг президенти Ш. Каримов йиғилганларни бошланган хайрли иш билан муборакбод этди ва мусобақа ғолибларини чин дилдан кутлади. Мусобақа бош ҳаками Г. Дашевский бош соврин — кўчма кубокни Р. Ҳикматуллоевга (соврин эгасига кўчма кубокнинг нусхаси ҳам тақдим этилди) тантанали суратда топширди. Р. Шоабдураҳмонов иккинчи мукофотни олди, М. Усмонов билан Ш. Каримовлар учинчи совриндор бўлишди.

Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, илк марта ўтказилган ва келгусида анъанавий тарзда ўтказилиб туриши мўлжалланган «Ҳавас» теннис турнирига республика ва вилоят оммавий ахборот воситаларининг таҳририятлари ҳам жиддий тайёргарлик кўришди. Бу турнир матбуотда атрофлича кенг ёритиб турилди. Мусобақанинг кучли теннисчиларига газета таҳририятлари томонидан ташкил этилган эсдалик совғалари тақдим этилди. Жумладан, «Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририяти таъсис этган — «Энг оптимист ўйинчи учун» совғаси Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари В. Лозицкийга топширилди.

— «Мен гарчанд мусобақаларда муваффақиятли қатнаша олмаган бўлсамда, жуда катта таассурот олдим. Шубҳасиз бу менинг ҳаётимда чуқур из қолдиради — дейди В. А. Лозицкий. — Энг муҳими «Ҳавас» турнири Ўзбекистонда теннис спортининг ривожланишига яна бир туртки бўлди. Ўйлайманки, Тошкент вилоятида ҳам келажакда теннис спорти ривожланиб боради. Шаҳарларимиз, қишлоқларимизда янги кортлар қурилади. Бу мусобақада майдонга вазирлару ҳокимлар чиққан бўлса, яқин кунларда кортларни иқтидорли ёшларимиз эгаллайдилар. Бошқа спорт турлари қатори улар Ўзбекистон тенниси шуҳратини ҳам жаҳонга ёядилар.

Дарҳақиқат, гарчи совриндорлар орасида вилоятимиз вакиллари бугун кўзга ташланмаётган бўлса-да, Валерий Александрович айтганидек илк турнир сабоғи бошқаларга ўрнак бўлади ва катта теннис бундан буён вилоятимиз шаҳар ва туманларида кенг қулоч ёйишига умид уйғотади.

Шу ўринда мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида ҳозир бўлган швейцариялик тадбиркор, юртимизда халқаро теннисни ривожлантиришга асос солган Сассон Какшурининг таассуротларини келтириб ўтишни лозим топдик: «Мамлакатингизда кичик тўп ўйинига давлат аҳамиятига молик иш деб қаралаётгани, келажакда жаҳон майдонларида маҳорат кўрсатишга қодир йигит-қизлар камол топиши мумкинлигига умид уйғотади».

Орзуга айб йўқ. Ажаб эмаски, бир кун келиб юртимиздан чиққан йигит-қизлар орасида машҳур теннисчилар пайдо бўлса. Улар мустақил Ўзбекистонимиз номини оламга ёйсалар...

**Миржалол МИРАЛИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**





**● Суратларда: «Ҳавас» теннис турнирининг энг кучли саккиз қатнашчиси; мусобақа ғолиби Рўзи Ҳикматуллоев; ўйин пайти.**

**Муҳаммад АМИН олган суратлар.**

# Деҳқон даладан чиқмай қўйди

Кўклам таровати далаларга завқ-шавқ бераётир. Дарҳақиқат, ҳамал бошланиб, тупрок қизий бошлаган сари деҳқоннинг кафти билан товони қичийверади. Энди у уйида ўтиролмай қадрдон даласига талпинаверади. Негаки, кўкламнинг бир куни йилни боқади. Шу боисдан ҳам «Ангрен» ширкат жамоасининг деҳқонлари эрта тонгдан кеч қоронғуси тушгунгача далада меҳнат қилишяпти. Ҳасан Эралиев эса хўжаликнинг энг пешқадам сарқорларидан бири ҳисобланади. Унинг даласида деҳқончилик ишлари бултургига қараганда бироз кечроқ бошланган бўлса ҳам экинларнинг ривожи ўтган йилнинг шу давридаги даражага тенглашди. 15 гектар ерга экилган озуқа лавлагиси яганаси тугади. Ўн гектар ердаги қанд лавлагиси ҳам барқ уриб ўсяпти.

Худди шундай ишларни хўжаликнинг Мавлуда Серкабоева, Қўчқор Йўлдошев бошқараётган бригадалари далаларида ҳам кўриш мумкин. Тез-тез ёмғир томчилаб турганига қарамай одамлар даладан бери келишмаяпти. Кимдир эгатларнинг нишобини ўқариққа тўғриламоқда, яна кимдир ёнига бир неча ёш-яланғларни олиб, лавлаги ва сабзиларни ўтдан тозалаяпти. Ҳамма ўзи билан ўзи овора.

Муҳиддин Жабборхоновнинг бригадасида яхши ният билан бир гектардан кўпроқ ерга эртаги сабзи, икки гектарча майдонга карам экилган эди. 150 гектардан ортиқ ерга экилган янги бедага дастлабки сув ҳам берилган. Нариги картада кўмкўк пиёзларни ўтоқ қилиш тугагач, суғориш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Аппалон Ню ва Петро Тян бу ишларни сифатли қилиб ўтказмоқдалар.

— Ер ориқ бўлгани сабабли экинни озиқлантиряпмиз, — дейди А. Ню.

— Уни дастлабки ўтоқдан чиқардик. Ўғит ерни юмшатиб, пиёзларга дармон бўляпти. Ерни юмшатишнинг ўзиёқ ҳар гектар ердан бемалол 25-30 тоннадан ҳосил кўтариш имконини беради.

«Ангрен» ширкат жамоасида ғаллакорларнинг ҳам иши авжида. Улар кузда экилган буғдойларга учинчи марта сув бериб бўлишди. Минерал ўғитлар билан озиқлантириш ниҳоясига етди.

— Насиб бўлса, суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан қирқ центнердан, бўз ерлардан эса 17 центнердан ҳосил ўриб-йиғиб оламиз, — дейди хўжалик раиси Тўлқин Тўраев. — Айниқса, Президентимизнинг ғаллакорларга кўрсатаётган ғамхўрлиги, ғалла ҳосили устидан олдиндан бўнак бериш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда техникасидан солиқларни олиб ташлаш ҳақидаги фармонлари деҳқонларимизни руҳлантириб юборди...

«Ангрен» ширкат жамоасида дала ишлари шаҳдам бормоқда. 40 гектар ерга экилган масхарнинг ривожи юқори ҳосилдан дарак бериб турипти. Булардан ташқари, ҳар бир бригада ўз далалари чеккаларига мевали дарахтлар ҳам экдилар. Шундай қилиб, хўжалик бўйича уч гектар ерга нок, уч гектардан ортиқ майдонга олма, шунингдек, тўрт гектарга яқин майдонга ўрик ва олча кўчатлари экилиб, улар бекаму-кўст кўкартириб олинди. Етти гектар ердаги терак ниҳоллари ҳам ўсиб кетди.

Хўжаликнинг қайси даласига борманг, тиним билмай меҳнат қилаётган кишиларни кўрасиз. Гўё далада кезиб юрган баҳор уларни шошираётгандай...

**Мўмин ҚАЮМ,**
**Оҳангарон тумани.**

# "ТИНИБ ТИНЧИМАГАН ОДАМЛАР-ЭЙ"...

***Ушбу сўзлар сизга танишдек туюлди-а?! Уни қаердадир, кимдандир эшитгансиз. Ҳа, топдингиз. Бу «Маҳаллада дув-дув гап» фильмидаги Меҳри холанинг (Лутфихоним Саримсоқова) сўзлари. Фильмни, аяни эслаган онингиз қалбингизга илиқлик, чеҳрангизга табассум югуради.***

Биз яқинда аянинг 100 йиллик юбилейлари арафасида Л. Саримсоқова яшаган уйга бордик. «Ғунча» кинотеатри яқинида жойлашган кўп қаватли бинонинг 2-чи қаватига кўтарилар эканмиз, очиғи ҳаяжонландик. Албатта, машҳур санъаткор, бир пайтлар яшаган, остоналарига қадами теккан хонадондаги ҳар бир буюмдан ҳарорати сезилиб турган аянинг уйини кўрганимиздан ниҳоятда хурсанд эдик.

Аянинг набиралари Фазилат опа, унинг яқин сирдоши, 30 йил бирга яшаган Валентина опа уйга — аянинг хоналарига бошладилар.

Мўъжазгина, озода хона тўрида телевизор турарди. Хона деворларида аянинг суратлари. Бир пайтлар ая кўксини безаб турган орден ва медаллар стол устидаги 2 та ёстиқчага қадаб қўйилган. Суратлари ёнида умр йўлдоши Тожизода отанинг расми, фахрий ёрлиқлар, унвонлар стол устида турарди. Альбомларда турли йиллар давомида тушган расмлари.

— Аямиз ҳаётда ҳам ниҳоятда камтарин, меҳрибон, ниҳоятда озода, саранжом-саришта аёл эдилар, — дейди Валентина опа. Ая ҳаётнинг энг қувончли кунларини шу аёл билан бирга баҳам кўрган. Умрининг охиригача унинг ёнида бўлган, шу аёл қўлида жон берган...

У одамларни кузатарди, қаҳрамони ички дунёсини, руҳий кечинмаларини ҳаётдан ахтарарди. Уларни ўз

*Хотира*

ролида қўллай биларди. Биринчи ўзбек овозли фильми «Қасам» (1936 й)да ая ночор ўзбек аёли сиймосини яратган эди. Оддий, йўлма-йўлакай роль бўлса-да, у эсдан чиқмайди. Келинининг паранжи ташлаганини эшитгандаги ҳолати, фарёд қилиши ғоят табиий чиққан. Ҳатто, кўз қарашларидан ҳам маъно уқасиз.

«Фарзандлар» фильми эсингизда бўлса керак. Сувсиз қолган қишлоқда яшовчи телба аёл сиймосини яратган аяга, маҳоратига таҳсин ўқигингиз келади.

Бу ролни ижро этишда, сценарийда юзаки ёзилган телба аёл роли, аянинг илтимоси билан бироз тўлдирилган, юқорида Валентина опа айтган хислатлари — одамларни кузатишлари туфайли чуқур драматик ролга айланган. Ая Чорсу бозорида юрувчи телба аёлни атай кузатган ва унинг ҳатти-ҳаракатларини ўз ролида қўллаган эканлар.

«Сен етим эмассан» фильмида 14 та етим боланинг бошини силаган Фотима опа сиймосини яратган ая турли руҳий ҳолатларни, энг муҳими, она қалби тафтини очиб бера олган.

— Аям ҳаётда ҳам ўз қизи билан бирга, битта ўғил ва битта қизни асраб олганлар. Ҳозирда Каромат холам Самарқандда яшайди, — дейди Фазилат опа. Ўғиллари бўлса, кичкиналигимизда вафот этган экан. «Сен етим эмассан» фильмидан сўнг уни ҳамма «ая» деб чақира бошлаган, «иккинчи онам» деб аташга рухсат беринг» деб, одамлар мактублар йўллашган, ўша пайтда кўпчилик аяга фарзанд бўлишни орзу қилган экан.

Аянинг салбий образларида (гарчи феъл-атворларига зид бўлсада) табиийлик акс этиб турадики, ижобий роллари билан солиштириб ҳайрон қоласиз. «Фарҳод ва Ширин» спектаклидаги Ёсуман кампир образи фикримизнинг далилидир. Драматик, комик, фожиавий роллар ая талқинида бирдай ижро этилган.

Лутфинисо Саримсоқова кино соҳасида махсус таълим олмаганлар, бироқ, туғма санъаткор бўлганлар. Битта ролнинг ўзидаёқ нечта қарама-қарши ҳолатларни кўрсатиб берганлар.

Ая ижро этган ролларда ҳақиқий ўзбек аёлининг ички дунёси,



Лутфихоним Саримсоқова «Маҳаллада дув-дув гап» фильмида.

орзу-армонлари, ўйларини кўрамиз...

«Ая ниҳоятда хушфеъл, болаларни севувчи эдилар. Доимо ҳамма билан саломлашиб, кўришиб (ёш болалар билан ҳам) юрардилар. Тўғриси, бирга юрсам, чарчаб қолардим. Санъатни, халқини севардилар. У киши санъат учун туғилган эдилар.

Ҳозирда 76 ёшли, аянинг яқин сирдоши, дугонаси Валентина опанинг бу хотиралари аяни фақат фильмлари, кўрсатув ва мақолалари орқали билувчилар учун нақадар муҳим.

Ўзбек фильмлари довруғини ёйган ая — Лутфихоним Саримсоқованинг ижро мактаби ҳам неча-неча авлодларга ибрат бўлардир. Бетакрор роллари — она сиймоси билан мухлислар қалбида мангу яшайди. Зотан, ая биринчи ўзбек актрисаси, она сиймосини тўла қонли яратган киномиз ва театримизнинг порлоқ юлдузидир.

Киночилар уйида аянинг таваллуд айёмига бағишланган кечада ая ҳаёт бўлганларида саҳна тўридаги портрет ва гуллар ўрнида ўзлари бўлармидилар. Эҳтимол, яна ўша «Вой, тиниб тинчимаган одамлар-эй» деган сўзларини қайта такрорлармидилар, меҳр балқиб турувчи нигоҳлари, маъноли суҳбатларидан бизни ҳам баҳраманд қилармидилар?... Яна ким билади, дейсиз...

**Феруза АБДУРАҲМОНОВА,**
**ТошДУ талабаси.**

Мамажон МУҲИДДИНОВ:

# «БИЗ — АЛИ ШАТРАНЖИЙ ВОРИСЛАРИМИЗ»

***Мамажон ака шохмот бўйича юртимизда етишиб чиққан биринчи спорт устаси. Тошкент ва Ўзбекистоннинг тўрт карра чемпиони, қишлоқ шохмотчилари бўйича собиқ иттифоқ биринчилигининг уч марта ғолиби, Осиё мамлакатлари шохмотчиларининг 1959 ва 1961 йилларда Тошкент ҳамда Ашхабодда бўлиб ўтган халқаро турнирларининг кумуш совриндори. 25 йил муттасил республика терма жамоасининг аъзоси.***



Тажрибали устоз турли спорт ташкилотларида узоқ йиллар мураббийлик қилди. Ҳозир Ўзбекистонда ном чиқарган шохмотчиларнинг кўпчилиги Мамажон аканинг шогирдларидир. Унинг жаҳонда энг кучли шохмотчилар оиласи — Олмалиқлик Аъзамовлар хонадони билан кўп йиллик мулоқоти ажойиб самара бергани яхши маълум. Георгий Аъзамовнинг диёримиздан етишиб чиқиши мумкин бўлган биринчи гроссмейстер дея илк бор башорат қилган ҳам Мамажон ака эди. Дунёдаги энг зўр шохмотчилар сирасига кирганда кутилмаганда бахтсизлик туфайли вафот этган Георгий Аъзамов жаҳон биринчилигига асосий даъвогарлардан бири бўлиб қолиши ҳеч гап эмасди.

Устознинг бошқа шогирдлари ҳам катта муваффақиятларга эришишган — шаҳар, вилоят, республика ва спорт жамиятларининг чемпионлари бўлишган. У ўз фаолияти давомида Хитой Халқ Республикаси ва Афғонистон ҳукуматининг шохмот ташкилотларига дўстона амалий ёрдам кўрсатган. Шулар боис Халқаро шохмот федерацияси (ФИДЕ) унга халқаро ҳакам деган юксак унвон берган.

Шохмот маданияти тарихи бўйича, катта илмий тадқиқотлари эвазига тарих фанлари номзоди бўлган ана шу билимдон инсон билан гаплашсангиз ҳар сафар бир олам завқ оласиз! У киши етмишни қораладилар. Шохмотнинг фазилати бўлса керак, хотиралари ҳамон тиниқ, қувваи-ҳофизалари ҳавас қилгулик. Ўнлаб компьютердан ортгулик ҳилма-хил воқеалару ўйинларнинг тафсилотларидан тортиб, тарих, адабиёт, санъат ва маданиятга доир беҳисоб далиллар, рақамлар, исму-шарифлар мияда жо. Улардан кераклиси билан истаган вақтда ўқувчилари ёки суҳбатдошларини баҳраманд эта оладилар...

— Бу — бизнинг миллий ўйин, дея узоқ ўтмишдан ҳикоя қилади суҳбатдошимиз. — Қадимий бу ақл ўйини Ўзбекистон ҳудудида минг йиллар бурун расм бўлганлиги Сурхондарё вилоятида олиб борилган археологик қазишмалар натижасида топилган ашёвий далиллар билан исботланган. Минг йилларни қўяверайлигу, буюк бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур ҳаётида шохмот қанчалик муҳим аҳамият касб этганлиги ҳақида тўхтаб ўтайлик.

Амир Темур ёшлигидан шатранж ишқибози бўлган. У вақтда 110 хонали «шатранжи кабир»да ўйналарди. Улуғ бобомиз ҳаёт билан шохмотни қиёс этар, шохмотни ҳақиқий адолат намоён бўладиган майдон деб биларди. Соҳибқироннинг тўшаги ёнида кечалари шохмот доналари териб қўйилган бўлиб, у тахтага қараб режалар тузар экан. Жуда кўп мамлакатлар ва элларни қон тўкмасдан олганлигига ана шундай режалар сабаб бўлган экан.

Амир Темур саройида хизмат қилган Али Шатранжий Самарқандий ўша даврда шатранж мактабини яратиб, шуҳрат қозонган эди. Фиқҳ илми, ҳадислар бўйича катта олим ҳисобланган Али Шатранжий Самарқандий бу ўйинга доир қатта бир рисола яратган экан. Мазкур рисола ҳозир Лондондаги Британия музейида сақланади. Тарихчиларнинг далолат беришича, Амир Темур уни чуқур ҳурмат килиб, «мен мулк сиёсатининг билағони бўлсам, шатранж оламининг билағони Али Шатранжий Самарқандийдир» деган экан.

Мамажон ака тарихчи Хондамир асарларида бу ўйининг чинакам миллийлиги кўрсатилганлиги ҳақида мароқ билан ҳикоя қилади. Самарқандийнинг рисоласига Ўрта Осиё олияларидан (гроссмейстерлар) ҳисобланмиш Абул Фатҳ Аҳмад Сижзий Сейистонийнинг шохмот ҳақидаги илк китоблари асос бўлган экан. Бу ҳақда. А. Фитрат ўз мақолаларидан бирида эслатган. Қатағонга учраб, бадном этилган халқимизнинг бу доно фарзанди шохмотшунос ҳам бўлган эди.

Суҳбатимиз сўнгги давр воқеаларига кўчганда Мамажон ака яқин-яқин вақтларда ҳам гузар ва чойхоналарда каттаю ёш завқ-шавқ билан шохмот давралари қурганлигини таъкидлади.

— Мени Сирдарёга, Турғун Аҳмадов номли хўжаликка таклиф қилишди. У ерда оилавий мусобақалар ўтказилар экан. Пировардида ғолибларга мукофотларни топшириш шарафи менга муяссар бўлди. Ўшанда чекка қишлоқда ҳам шохмот ишқибозлари қанчалик кўплиги, мусобақалар ҳақиқий байрам тусини олишлигига гувоҳ бўлганман.

Шохмот ишқибозларининг ўз давралари ҳам бўлади. Ана шу даврalardan бири Мамажон акага ихлос қўйган бир гуруҳ зиёлилардан ташкил топган. Ҳар ойда йиғилиб турадиган бу давра Мамажон акага ҳам устозлик қилган Улуғбек Элбеков, шунингдек, таниқли адабиётчи олимлар, шоир, ёзувчи, журналист ,шифокорлар ва бошқа касб кишиларидан ташкил топган.

Шохмотни Ўзбекистоннинг ҳамма ерида севишади, қадрлашади. Шундай оилалар борки, мана шу ўйин туфайли ўзлари ҳам дунёда ном чиқаришмоқда. Самарқандлик Ҳамроқуловлар бу кўҳна шаҳар довруғини ёймоқдалар. Самарқанд шохмотчилари Ўзбекистон спартакиадасида яқинда биринчи ўринни олганлиги, бу жамоанинг олти нафар аъзосидан уч нафари Ҳамроқуловлар оиласидан бўлганлиги ҳаммани ҳайратга солди.

— Ҳозир Ўзбекистонда қанча шохмотчи бор?

— Мусобақаларга мунтазам қатнашиб турадиганлар сони 200 минг атрофидадир. Умуман, шохмот ўйнайдиганларга келсак, улар сони 1,5-2 миллиондан кам эмас. «Зўр»лар кўпчилик орасидан чиқади. Мустақил Ўзбекистон шуҳратини биринчи бўлиб шохмотчиларимиз жаҳон олимпиадасида кенг таратганлиги ҳаммамизнинг ёдимизда. Шундай экан, чинакам халқ ўйини бўлмиш шохмотни бундан бўён ҳам кенг оммалаштириш лозим. Бу халқимизнинг ақлий камолотига хизмат қилиш билан бирга Ўзбекистон номини ҳам турли эллар ва элатлар орасида улуғлайди.

**Соат МУСАЕВ.**

# ТЎЙ ҲАҚИДА БИР ТЎЙ БЎЛДИ...

*Анъана ва ҳаёт*

***ТОШКЕНТ тумани хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Масалбой қишлоғида бўлиб ўтган тадбир айни ҳозирги шароитда тўй ва маросимларни замонга мос тарзда ихчам ва чиройли қилиб ўтказиш мавзусига бағишланди. Ростмана тўйхонадек безатилган қишлоқ клубига қишлоқнинг табаррук онахонлари, хўжалик раҳбарлари, қўшни туманларнинг хотин-қизлар қўмиталари етакчилари ва бошқа меҳмонлар таклиф этилдилар.***



Александр АБАЛЯН сурат-лавҳаси.

Гарчи миллий тўйларимиз ҳақидаги бу тадбир қизиқарли саҳна кўринишлари ва дилрабо куй-қўшиқлардан тузилган бўлса-да, унинг замирига кўпчиликни ўйлантирувчи чуқур мазмун сингдирилган эди. Хўш, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида тўй ва маросимларни ўта серчиқим, дабдабали қилиб ўтказиш шартми? Уни ихчамлаштириш ва бир маромга солиш учун нималар қилмоқ керак? Кимлар бу ишнинг бошида турмоғи зарур? Бўлиб ўтган баҳс ва мунозараларда шу каби саволларга жавоб изланди. Ғиёс Умаров номли жамоа хўжалигида жойлашган 7-болалар боғчаси тарбиячилари эса совчиликдан то никоҳгача бўлган жараённи ўз ичига олган тўй воқеасини саҳнада бадиий талқин қилдилар.

Албатта, бу борада барчанинг ўз дунёқараши, ҳаётий тажрибаси, фикр ва мулоҳазаси бор. Шунинг учун бўлса керак, тўйларни ихчамлаштириш борасида кўпчиликнинг фикри бир жойдан чиқди: замона зайли билан удум сифатида анъанага кириб қолган мутлақо ортиқча сарф-харажатлардан воз кечиш керак! Лекин, қандай қилиб? Бу тўғрида йиғилганлар куюнчаклик билан сўз юритдилар, ўз таклифларини ўртага ташладилар.

**Азиза ҲАМДАМОВА — Масалбой қишлоғи «Ҳиёбон» маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси:**

— Бизда чарлар куни сарполарни эл кўзи олдида намойиш қилишдек чакки бир одат бор. Чакки деганим шундаки, ота-она ҳар бир фарзанди учун ҳар гал мебелдан тортиб бош-оёқ кийимгача бекаму-кўст сотиб олишга ва элга кўз-кўз қилишга имкон топавермайди. Аслида бу керак ҳам эмас! Шундай ота-оналар борки, мебель олишга қурбим етмаяпти деб, иложсизликдан бўлай деб турган тўйларни орқага сурадилар ёки қарзга ботиб, ўз хонадонини ночор аҳволга тушириб қўядилар. Мен сарпо намойиш қилиш одатини йўқ қилиш тарафдориман. Ҳар ким фарзанди учун қурби етган ва рўзғор учун зарур нарсаларнигина олсин, уларни эл олдида кўрсатиб ўтирмасин.»Одамлар гапирмасин, ҳамма нарсасини бут қилай», деб қизларимизнинг умрини ўтказвормайлик, барака топгурлар. Бу аслида аёллардан чиққан «қоида». Келинглар, шуни ўзимиз йўқ қилайлик!

**Тўхтамурод МАМАДАЛИЕВ — Масалбой қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоли:**

— Азизлар,бундоқ ён-атрофимизга қарайлик-да, чекка республикалардаги ҳозирги аҳвол билан мустақил Ўзбекистонимиздаги вазиятни бир солиштириб кўрайлик. Худога минг қатла шукрки, тинч ва хотиржаммиз. Фарзандларимиз соғ-омон бағримизда юришибди. Дастурхонимиз тўкин. Элга ош тортиб, каттакон тўйлар қилишга ҳали ҳам ҳар бир ўзбекнинг қурби етади. Лекин, бу тўқликка шўхлик қилиш керак дегани эмас. Баъзан жуда афсусланиб кетаман. Бир умр йиққан-терганини битта тўйга сарфлашлар, ёшларнинг ЗАГС маросимига қўша-қўша видеолар, энг сўнгги чет эл машиналари олиб келишлар барҳам топиш ўрнига баъзи жойларда авжига чиқаяпти. Ҳатто, туғруқхонадан чақалоқни олиб чиқишга ҳам карнай-сурнай ва видеолар билан бориш одати пайдо бўлибди. Бу кимга керак? Бунақа номаъқул «орзу-ҳавас»ни кимлар ўйлаб топаяпти? Бунинг ўрнига ўша сарф-харажатларга кетган маблағни рўзғордаги камчиликларни бутлашга ишлатсак, фойдалироқ эмасми? Ўша пулларга болаларимиз яхши еб-ичса, кийинса, ҳунар эгалласа бўлмайдими? Бўлади! Фақат бунинг учун маҳаллаларда фаоллар ва айниқса, хотин-қизлар қўмиталари иштирокида тўйларнинг ихчам намунасини топиш ва оммалаштириш зарур бўлади. Биз буни ўз қишлоғимиздан бошладик. Бугунги йиғин эса шу масалани омма ўртасида яна бир бор мустаҳкамлашдан иборатдир.

**Тошҳол САФАРОВА — уруш фахрийси:**

— Мен бугунги тадбирдан жуда тўлқинланиб, баҳра олиб ўтирибман. Гапирмоқчи эмасдим. Лекин, баҳсимизда келин либоси ҳақидаги гапларни эшитиб, баъзи фикрларимни ўртага ташласам бўлмас экан, деб ўйладим. Бу ерда қатнашаётган асалгина, ақллигина қизларимиз 4-5 минг сўмга «прокат»га никоҳ кўйлаги олгандан кўра ўзимизнинг миллий матоларимиздан чиройли либос тиктирганимиз яхши, дейишди. Жуда тўғри! Савил қолгур анави «прокат» кўйлак кимларнинг эгнидан тушмаган дейсиз! Бу эскичасига ҳам, янгичасига ҳам тўғри келмайди. Баҳоси эса осмонда. Аммо, қарасам, ҳамма баравар атласдан никоҳ либос тиктиришни ёқлаб кетяпти. Бир ўйлаб кўринглар-а, бир вақтлар «Дока кўйлак ярашибди келинчакка, ёр-ёр» деб бошланадиган қўшиқлар бўларди. Бу бежиз эмас. Қадимда оналаримиз, бувиларимиз оқ матодан тўй либоси кийишган. Яъни, оқ либос — оқлик, поклик, гўзаллик ва бахт рамзи. Ҳозирги вақтда оқ матонинг жуда қулай ва чиройлилари чиқаяпти. Ана шулардан бежирим либослар тиктирса бўлади. Бир кунгинага, осмон нархда кўйлак олдираман, деб борадиган хонадонингиздагиларни оғир аҳволга тушириб қўйманг, айланай қизларим. Барибир ана шу оғирчиликнинг бир чети кейин ўзингизга ҳам тегадия...

**Эркин ҒУЛОМОВ — туман «Маҳалла» жамғармаси раиси:**

— Биз ҳамма ишни оиладан бошлаймиз. Оила эса тўй ва никоҳдан бошланади. Шунинг учун куда-андачиликни уй-жойи, мол-давлатига қараб танлашдек хунук ҳодисаларга йўл қўймаслигимиз керак. Айнан тўйлар ҳақида эса менда ҳам фикр бор: кейинги пайтда никоҳ оқшомларида келин-куёвнинг ота-оналарини ўртага чиқариб ўйнатиб, бошларидан пул сочиш одати пайдо бўлди. Бу ҳеч қайси одатга, замонавийликка ҳам, миллийликка ҳам тўғри келмайди. Ахир, қайси ота-она давра тўрида иффат пардасига ўралиб, ибо ва ҳаяжондан бош кўтаролмай ўтирган фарзандларининг олдида кўр тўкиб рақсга туша олади?! Аслида худди шу лаҳзаларда бўлажак қайнона-қайноталарда ҳам ана шу ҳаяжон лаҳзалари кечаётган бўлади. Қолаверса, мен кечқурун бўладиган бундай никоҳ маросимларига ёш болаларнинг қатнашишига рухсат бермаслик керак, деб ҳисоблардим.

***

Ниҳоятда табиий ва баҳс-мунозараларга бой бўлган бу тадбирда вилоят хотин-қизлар қўмитаси масъул ходими Н. Жабборова, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, туман ҳокими муовини М. Қорабоева, туман ЗАГС бўлими мудираси Х. Адҳамова, меҳнат қаҳрамони Раззоқ Қаюмов, Қобил қори домла, хотин-қизлар фаолларидан Мухтабар Хайитшайхова ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб, тўй ва маросимларимиз, умуман, миллий анъаналаримиз ҳақида ўз фикрларини билдирдилар.

Масалбой қишлоғида бўлиб ўтган «Миллий анъаналар ва ҳаёт» мавзуидаги бадиий-мусиқий кеча чиндан ҳам ўзининг мазмун-моҳияти билан аҳамиятли бўлди. Бундай тадбирларни барча шаҳар ва туманларда ташкил этиш ва амалда қўллаш турмушимиздаги баъзи муаммоларни ҳал этишда самара бериши, шубҳасиз.

**Зарифа ЭРАЛИЕВА.**

# КАШФИЁТЧИЛАРИГА БАЛЛИ!

***Кўпинча болакайларимиз уйдаги бирон нарсани кўрсатиб, «Ким ўйлаб топган, қачон ясалган?» қабилидаги саволларни берадилар. Биз эса доимо елка қисиб қўя қоламиз. Аслида инсон учун керакли ҳар бир буюм, кундалик турмушимизда жуда асқотадиган, мушкулимизни осон қиладиган ҳар бир нарсанинг ўз тарихи, муайян кашфиётчиси бор.***

Овқатни бир зумда пишириб берадиган тезқайнар кастрюлкани фарангистонлик Дени Папэн 1679 йил ихтиро қилган экан. Бутун дунёдаги машиналар учун зарур пневматик шиналарни 150 йил муқаддам Англияда Роберт Томпсон яратган, велосипедлар учун ишлатиладиган шиналарни эса ирландиялик Жон Данлоп 1888 йили кашф этган. Қўл фотоаппаратлари ҳам худди шу йили ихтиро қилинган. Уни америкалик Жорж Истмэн ўйлаб топган. Бу исму шариф таниқли «Истмэн-Кодак» фирмасининг номида ҳали ҳам сақланиб келмоқда.

Қўл тикув машиналари ҳам

*Биласизми?*

гарчи америкаликлар ихтироси бўлса-да (Элиас Хоу — 1846 йил) уларнинг такомиллаштирилиб, оммавий тарзда чиқара бошланиши Исаак Зингернинг (1851 йил) номи билан боғлиқ.

Электр қуввати замонасининг ибтидоси XIX аср охири — XX аср бошларига тўғри келди. Электр кашф қилиниши билан рўзғорда ишлатиладиган кўп буюмлар бирин-кетин ихтиро этила бошланди. Чунончи, вентиляторни Ш. Уилер (АҚШ) 1882 йил, чангютгични — Хьюберт Бут (Англия) 1891 йил, кир ювиш машинасини Элва Фишер (АҚШ) 1906 йил ўйлаб топди. Электрда ишлайдиган компрессорли холодильник биринчи марта Чикагода 1913 йил «Домельс» фирмасида тайёрланди.

Умуман америкаликлар жуда кўп буюмларни ихтиро этишган. Масалан, 1891 йили Уильям Жадсжон «молния» тугмаларини, ўша йили Кинг Жиллет электр устарани ясаган. Ҳозирги кока-кола ичимлигини қандай тайёрлашни бундан роппа-роса 100 йил бурун Жон Пелбертон айтиб берган эди...

# БОЛАЛАР СПЕКТАКЛЛАРИ ТАНЛОВИ

***Ўзбекистон маданият ишлари вазирлиги, республика театр арбоблари уюшмаси мамлакатимиз мустақиллигининг беш йиллиги ва Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят театрларининг болаларга аталган спектакллари кўрик-танловини ўтказмоқда.***

Кўрик-танлов икки босқичда ўтади. Биринчиси Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят театрларида бўлади. Санъатшунос олимлар, театр танқидчилари ва мутахассислардан иборат нуфузли хакам хайъати аъзолари асар сифати ва санъаткорлар маҳоратини баҳолаш учун вилоятларга жўнаб кетди. Пойтахт театрларининг кўрик-танлови ва анжуман якуни Тошкентда ўтказилади.

Кўрик-танлов жаҳон болаларни ҳимоя қилиш куни — 1 июнда якунланади.

**Б.МАНСУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА...

***«Буюк ипак йўли» манзиллари саёҳатчиларнинг доимий диққат марказида бўлиб қолмоқда.***

Маълумки, бу савдо йўли Оҳангарон воҳасидан ҳам ўтган. Шу жойлардаги осори-атиқалар, тарихий ёдгорликлар билан яқиндан танишиш мақсадида Тошкент вилояти тарихий ва маданий ёдгорликларини асраш, «Прометей» жамияти ҳамда «Буюк ипак йўли» манзилларини ўрганувчи бир гуруҳ мутахассислар яқинда Оҳангаронда бўлишди.

Меҳмонлар «Қайнар» қишлоғидаги «Сардоба»ни, Қораҳитойдаги Ҳизир-алайҳиссаломининг излари тушган ёдгорликни, Тункент шаҳри, Илоҳ давлати деворларининг қолдиқларини бориб кўрдилар. Ёдгорликларни таъмирлаш ишларини олиб бораётганликлари учун «Оҳангарон» ҳиссадорлик жамиятига миннатдорчилик билдирдилар.

**Қаюм МЎМИНОВ.**

# ОЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙЛИК!

19 июлдан 4 августга қадар Американинг Атланта шаҳрида ўтказиладиган ёзги олимпия ўйинларида мустақил Ўзбекистон спортчилари биринчи бор иштирок этади.

Республикамиздаги кўплаб спорт мухлислари ва нуфузли мусобақаларда иштирок этадиган спортчиларимизни қўллаб-қувватлаш ниятида, албатта. «Ўзинтур» компанияси Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси билан биргаликда улар учун АҚШга сафар уюштиришга қарор қилди. Бу мамлакатнинг етакчи туристик фирмаларидан бири билан ўзбекистонликларга олимпия йўлланмаларини сотиш бўйича шартнома тузилди.

Йўлланма баҳоси — 4600 доллар. Тошкентдан Атлантага учиб бориб-келиш, уч маҳал овқат, транспорт ва саёҳат хизмати, қулай шароитга эга бўлган коттежларда истиқомат қилиш, турли мусобақалар учун учта олимпия билети, Атланта метросида бепул юриш ҳам шу нархнинг ичига киради.

Консуллик визаси учун тўлов йўлланма баҳосига кирмайди. Ҳозир 132 йўлланма олинди. Ҳам Америка билан танишиш, ҳам спортчиларимизга мадад беришни истаганларни бу йўлланмаларни сотиб олишга шошилишни маслаҳат берамиз.

**Светлана ТЕН,**
**ЎзА мухбири.**

«Муваффақият-Д» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлар бўлимининг ҳужжатлари ва учбурчакли муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48. Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0245. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 10060нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 18.00 1 2 3 4 5 6